2006 YIL 21 NOYABR, SESHANBA

# Qishloq HAYOTI

O‘zbekiston Respublikasi ijtimoiy-iqtisodiy gazetasi

1974 yil 1 yanvardan chiqa boshlagan

№ 139 (7.132). Sotuvda erkin narxda

# Бугунги ҳаракат – эртага барака

***Бугун дала меҳнаткашлари жорий йилдаги ютуқ ва камчиликларни атрофлича таҳлил этиб, келгуси йил ҳосилига замин яратиш ҳаракатида бўлаётир. Дарҳақиқат, ўзини билган раҳбар, ер эгаси бўлган фермер, умуман, янги йилда ғалладан, пахтадан, пилладан, мева-сабзавотдан мўл ҳосил оламан, деган деҳқон ҳаракатини худди шу кунларда қилади. Хўш, мамлакатимиз далаларида келгуси йил ҳосилига пойдевор яратиш ишлари қандай боряпти?***

Мутахассисларнинг таъкидлашича, шу кунларда ғалла экилган майдонларда муҳим агротехник тадбирларни тўғри ташкил этган деҳқон ҳар гектар ердан келгусида 10 центнергача қўшимча ҳосил олиш учун мустаҳкам пойдевор яратади.

Афсуски, айрим вилоятлар ва туманлар раҳбарлари мавжуд имкониятларга етарлича эътибор бермаяптилар. Бир қатор туманларда бошоқли дон экиш ва суғориш ишлари сабабсиз кечиктирилганлиги оқибатида 40-50 фоиз майдонда ғалла ундириб олинмаган. Дон экинларини шарбат усулида суғориш ишлари етарлича ташкил этилмаган.

Шу кунларда ғаллани маҳаллий ва кимёвий ўғитлар билан озиқлантирмасдан, қатор ораларига шарбат оқизмасдан туриб ғаллачиликда кўзланган натижаларга эришиш мумкин эмаслигини ҳар бир қишлоқ раҳбари, ҳар бир ер эгаси юракдан ҳис этишлари, ғаллазорлардаги агротехника тадбирларини беками-кўст амалга ошириш чора-тадбирларини кўришлари зарур.

Шу билан бирга, бугунги кун сувдан тежаб-тергаб фойдаланишни, оз сув билан кўпроқ ғаллазорларни суғоришни тақозо этмоқда.

Халқимизнинг ер ҳайдасанг куз ҳайда, куз ҳайдамасанг юз ҳайда, деган доно гапи бор. Бу бежиз айтилмаган. Деҳқончиликда кузги шудгорнинг аҳамияти беқиёс. Аммо, айрим вилоят ва туманларда шудгорлаш графиги бажарилмаётгани, ҳайдов сифатига етарлича эътибор берилмаётганини нима билан изоҳлаш мумкин?

Шудгорлашда иштирок этаётган ҳайдов тракторларининг кеча-кундуз, уч сменада ишлашини ташкил этиш, тунги шудгорлашга алоҳида эътибор бериш, механизаторларни ҳар беш кунда рағбатлантириб борилишини йўлга қўйиш, ҳайдовда банд бўлганларга зарур шарт-шароитларни яратиб бериш куннинг кечиктириб бўлмас вазифаларидандир.

**Мавсум**

Яна бир муҳим масала - 2007 йил мавсуми учун керакли техникаларни таъмирлаш, янги техникалар сотиб олиш ишларини ташкил этиш зарур.

Шунингдек, айни кунларда қишлоқ хўжалиги корхоналарининг хизмат кўрсатувчи корхоналар олдидаги кредиторлик қарзларини бирма-бир таҳлил этиб, уларни камайтириш чора-тадбирларини кўриш керак бўлади.

Сувдан мақсадли ва самарали фойдаланиш, ариқ-зовурларни тозалаш ва таъмирлаш ҳам бугунги куннинг энг муҳим юмушларидан ҳисобланади.

Хўжаликлараро суғориш тармоқларини тозалаш графиги Жалақудуқ, Хўжаобод, Қўрғонтепа, Паркент туманларида атиги 14-30 фоизга бажарилган, холос. Бир қатор туманларда қўлига кетмон олиб, ариқ, лоток, қувур ва дюкерларни тозалашга ҳамон жиддий киришилмаган. Хўжалик ички зовурларини тозалашдаги экскаваторларнинг ўртача иш унуми 410 кубметр бўлган бир пайтда, айрим вилоятларда бу кўрсаткич ярмига ҳам бажарилмаяпти.

Куни кеча 2007 йилда мева-сабзавот, картошка, полиз маҳсулотлари ва узум ишлаб чиқариш ва ишлатиш тўғрисидаги Вазирлар Маҳкамасининг махсус қарори қабул қилинди. Мазкур соҳадан мўл ҳосил олиб, халқимиз дастурхонини сархил мева-сабзавот билан сероб қилиш борасида айни кунларда боғларимизда, токзорларимизда, сабзавот пайкалларимизда бир қатор агротехник тадбирларни амалга ошириш лозим.

Тутчилик - ипак қуртидан мўл, сифатли ҳосил олишнинг асоси. Шунга қарамасдан, янги тутзорлар яратиш, мавжуд тутзорлар парваришини кучайтириш, тут парвонасига қарши курашиш ишлари бир қатор туманларимизда сусткашлик билан ташкил этилмоқда

Деҳқончилик танаффус билмайди. Дунёни ёритиб, борлиқ оламга нур - ҳаёт бағишлаб турган офтобимиз тиним билмаганидек, юрагига эзгу мақсадларни жо этган бободеҳқон ҳам йил - ўн икки ой тиним билмайди. Деҳқоннинг бугунги меҳнати, изланишлари келгуси йилда пахтадан, ғалладан, мева-сабзавотдан мўл ҳосил олиш имконини беради. Элюртимиз фаровонлигига, мустақил мамлакатимиз равнақига хизмат қилади.

## Куннинг муҳим воқеалари

● Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг мажлиси бўлиб ўтди.

● Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи қабул қилинган кунга 15 йил тўлиши муносабати билан Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика университетида «Байроғим - ғурурим» мавзуида давра суҳбати ўтказди.

● Пойтахтимизда "Style.UZ" дизайн ва мода ҳафталиги ниҳоясига етди.

● Андижонда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг вилоят бўлими конференцияси бўлиб ўтди.

● Жорий йилнинг 28 ноябрь -15 декабрь кунлари Қатар пойтахти Доха шаҳрида XV Осиё ўйинлари ўтказилади.

● Бухорода Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Абу Али ибн Сино номидаги Бухоро тиббиёт институти ҳамкорлигида стоматологиянинг долзарб муаммоларига бағишланган илмий-амалий анжуман ўтказилди.

● Пойтахтимизда республика аллергологларининг бешинчи анжумани бўлиб ўтди.

● Корея Республикасининг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси Мун Хаёнг ЎзА мухбирининг ахборот технологиялари соҳасида икки томонлама ҳамкорликка доир саволларига жавоб берди.

● Ўзбекистон мудофаасига кўмаклашувчи "Ватанпарвар" ташкилотининг жорий йил тўққиз ойлик иш якунлари таҳлили ва унинг фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирларига бағишланган раёсат йиғилиши бўлиб ўтди.

● Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Саноат, қурилиш ва савдо масалалари қўмитасининг коммунал соҳани ислоҳ қилиш тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларининг Хоразм вилоятида ижросига бағишланган йиғилиши бўлиб ўтди.

● Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғи қабул қилинганига 15 йил тўлиши муносабати билан пойтахтимизда "Байроғимиз – миллий давлатимиз рамзи" мавзуида маънавий-маърифий тадбир бўлиб ўтди.

● «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Фарғона вилоят бўлими кенгашининг конференцияси ўтказилди.



*Навоий иссиқлик электростанцияси очиқ акциядорлик жамияти бир кунда 1250 мегаватт электр токи ишлаб чиқариб, Навоий, Бухоро, Самарқанд вилоятлари аҳолисига узлуксиз етказиб бераяпти. Шунингдек, бу ердаги сувни кимёвий тозалаш цехи Навоий шаҳридаги кўпқаватли уйларни иссиқ сув билан таъминлаяпти.*

*СУРАТДА: смена бошлиғи Қаҳрамон Ғайбуллаев.*

***Б.АКРАМОВ олган сурат.***

# "Ўзимни ёлғиз деб ҳис этмайман"

***Моҳинур Ибодуллаева яқинда ўн уч ёшга тўлди. Қоракўл туманидаги Човли қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудида яшайди. У болаликдан ногирон. Тақдирнинг бу битиги Моҳинурни руҳан чўктиргани йўқ. Чунки атрофида ота-онаси, қўни-қўшни, яхши одамлар бор.***

Моҳинур анчадан буён аравачага эҳтиёж сезаётган эди. Оиланинг топиш-тутиши ҳаминқадар бўлгани боис ният амалга ошмай қолаётганди. Ота-онаси қишлоқ фуқаролар йиғинига, туман ижтимоий таъминот бўлими кўмагига кўз тикишгани ҳам рост.

–"Маҳалла" хайрия жамғармаси туман бўлими томонидан бир миллион сўм миқдордаги ҳомийлик маблағи вилоят меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси ҳисоб рақамига кўчирилган эди, - дейди туман ижтимоий таъминот бўлимининг ижтимоий хизматни қўллаб-қувватлаш бўлинмаси бошлиғи Ғ.Барраев. –Ушбу маблағ ҳисобига олти дона ногиронлар аравачаси олиниб муҳтож оилаларга етказилди. Шулардан бири Моҳинур Ибодуллаевага берилди.

–Болаликдан ногирон Бунёд Ҳасанов, Рашид Рустамовларга, шунингдек, I гуруҳ ногиронлари Тўхта Каримов, Мукаррам Ҳамроева ва Каромат Зариповга ҳам таянма аравачалар ажратилди, - дейди бўлим мутахассиси Лайло Норқулова. – Биз жойлардаги қишлоқ фуқаролар йиғинлари фаоллари билан бу аравачаларни топширганимизда, улар нечоғли қувонишганини кўрсангиз эди...

"Пахтакор" маҳалласида яшовчи Минкамол Юлтиевадан ҳол-аҳвол сўрагудек бўлсангиз, у киши дарров дуога қўл очади. "Дунёда яхши одамлар кўп, барака топишсин. Ҳукуматимизга раҳмат. Мендек якка-ёлғизлар бахтига юртимиз тинч бўлсин", дейди. Шу аёлнинг ҳам яқинда бир ташвиши енгиллашди. Ижтимоий таъминот бўлими, маҳалла ва ҳомийлар унинг уй-жойини қайта таъмирлашга бош қўшдилар. Гап шу мақсад йўлида сарфланган 170 минг сўм пулда ҳам эмас, эътиборда, меҳр-оқибатда.

**2006 йил — Ҳомийлар ва шифокорлар йили**

–Туманимизда 105 нафар ўзгалар қаровига эҳтиёжманд якка-ёлғиз киши бор, - дейди бўлимнинг ижтимоий ёрдам бўлинмаси бошлиғи Нарзулла Жумаев. –Шуларнинг 66 нафари Президентимизнинг "Ўзгалар парваришига муҳтож ёлғиз пенсионерларни ижтимоий ҳимоялашнинг қўшимча тадбирлари ҳақида"ги Фармонида кўрсатилган имтиёзлардан фойдаланиб келмоқда. Туман ҳокимининг тегишли қарори билан улар рўйхати тасдиқлаб олинган ва жорий йилга мўлжалланган дастур ишлаб чиқилган. Шу дастур асосида ҳар бир якка-ёлғизга ҳомий бириктирилиб, моддий ёрдам кўрсатилиб келинмоқда.

Шу ўринда диққатни яна бир-икки далилга қаратмоқчимиз. Якка-ёлғиз қарияларга тўққиз турдаги озиқ-овқат маҳсулотлари ҳар ойнинг 15-санасигача етказиб берилаяпти. Ўтган тўққиз ой давомида 59 нафар якка-ёлғизга 784 минг 200 сўмлик озиқ-овқат маҳсулоти берилди. 16 нафар кишига 403 минг 800 сўмлик моддий ёрдам кўрсатилди. Саккиз нафар якка-ёлғиз 178 минг 400 сўмлик саноат моллари билан таъминланди. Манзилли ёрдамнинг мунтазам йўлга қўйилишида ҳомийлар кўмаги ҳам асқотяпти, албатта.

**Истам ИБРОҲИМОВ, «Қишлоқ ҳаёти» мухбири.**

# Курмаклар

## Алам қилса... қалампир чайнанг

***Шоли курмаксиз бўлмаганидек, фермерлар ичида ҳам диёнатни унутганлар топилар экан. Қуйида айрим шундай фермерлар ҳақида сўз юритилади.***

Жорий йилда Фарғона вилоятининг Риштон туманида фермерлик ҳаракати янада кенгайди. Тумандаги барча ширкат хўжаликлари тугатилиб, уларнинг ўрнига деҳқончилик йўналишида 650 дан зиёд фермер хўжалиги ташкил этилди.

Лекин фермер билан фермерда ҳам фарқ бўлар экан. Кимдир фермер – ер эгаси бўлгач, бор кучи, имконияти ва иқтидорини ердан унумли фойдаланишга сарфлар, мўл ҳосил етиштириб, ўз ва халқ манфаати йўлида хизмат қилар экан. Баъзи бир фермерлар эса ерни олгач "ўзим хон" тушунчаси билан иш тутиб, фақат шахсий манфаати йўлида ҳаракат қилишга уринади.

Тумандаги "Ёшлик карвони" фермер хўжалиги бошлиғи М.Мамажонов ҳам "ишнинг кўзини биладиган" "уддабуронлар"дан чиқиб қолди. Йўқса, пахта экилиши лозим бўлган жойга қалампир экармиди?

Фермер хўжалиги 2006 йил ҳосили учун 32 гектар майдонда пахта етиштириши, давлатга 79,4 тонна хом ашё етказиб бериши белгиланганди. Амалда эса ҳар гектар ердан 6,8 центнердан ҳосил йиғиштириб олиниб, шартнома режаси 27,4 фоизга бажарилди холос. "Тантилик"ни қарангки, фермер хўжалиги бошлиғи чигит экилиши лозим бўлган 1,92 гектар ерга қалампир экиб олишлари учун фермер хўжалиги аъзоларига ва хўжаликка алоқадор бўлмаган фуқароларга ерни бўлиб берибди.

Бу ҳам етмагандек, 1,92 гектар майдонга экишилиши лозим бўлган 124,8 килограмм чигит, сарфланиши режалаштирилган 0,8 тонна суперфосфат, 0,86 тонна минерал ўғитлар, 230124 сўмлик дизел ёқилғисини олиб, умумий қиймати 542746 сўмлик моддий ресурсларни ўзлаштириш йўли билан талон-тарож қилган.

## Ҳотамтойлик кимнинг ҳисобидан?

***Расулжон Матқобилов "Деҳқон яратган мева боғ" фермер хўжалиги раҳбари. У фермер бўлдию «Ер меники, хоҳлаганимни қиламан», деган хаёлга борди. Режадаги экинни экишни унутди. Ерни талон-тарож қилишга киришди.***

Фермер хўжалигида 26,3 гектар экин майдони мавжуд бўлиб, 2006 йил ҳосили учун 11 гектар майдонга бошоқли дон, 15,3 гектар ерга пахта экиш режалаштирилган. Хўжалик раҳбари чигит экилган майдонларнинг ҳар гектаридан 20,7 центнердан 31,7 тонна ҳосил кўтариб, давлатга хом ашё сотиш юзасидан пахта тозалаш корхонаси билан контрактация шартномасини тузган эди.

Аммо у экин экишдаёқ шартнома шартини бузди. Чигит экилиши лозим бўлган 4,3 гектар ерга режадаги экинни экмай, ўзи билганича мевали дарахт кўчатларини ўтқазди. Шунингдек, ушбу ер майдонларини фуқароларга ҳотамтойлик билан экин экиш учун бўлиб берди. Қолаверса, 11,3 гектар ерга экилган ғўзани ҳам қаровсиз қолдирди. Агротехник тадбирлар ўз вақтида ўтказилмаганлиги учун бу ердан олинган ҳосил гектарига аранг 2 центнерни ташкил этди. Ўзбошимча фермер ўзининг ноқонуний ҳаракатлари билан давлат ва жамоат манфаатига 2.625.500 сўм миқдорида зарар етказди.

**Таассуф**

Р.Матхолиқов бошоқли дон экинларидан бўшаган ерлардан ҳам ўзбошимчалик билан фойдаланган. Такрорий экин экиш режалаштирилмаган 1,5 гектар ерни фуқаро М.Аҳмаджоновга 150 000 сўмга сотиб, тушган пулни хўжалик кассасига кирим қилмасдан ўз манфаати йўлида ишлатиб юборди.

Фермер ўзининг бу хатти-ҳаракати билан Ўзбекистон Республикаси ЖКси 205-моддаси 1-қисми, 207-моддаси 1-қисмида кўрсатилган жиноятни содир этган.

## Чўнтакка тушган ўғит

***Б.Ашуров ҳам 12 гектар ер олиб, "Дашт сардори Баракабек" фермер хўжалигига асос солди. Аммо у бу ер менга "ота мерос" қабилида иш тутиб, фермерчилик бўйича амалдаги қонунларни унутиб қўйди.***

Фермер хўжалиги 2006 йил 6 гектар ерда буғдой парваришлаб, давлат буюртмаси бўйича 12,4 тонна дон етказиб бериш тўғрисида шартнома имзолади. Лекин ҳосил пишиб етилганда 6 гектар ердан чиққан 2700 килограмм, 253800 сўмлик буғдойни тайёрлов корхонасига топширмасдан сотиб юборади.

(Давоми 2-бетда)




**Шарҳ**

# Юксалиш сари интилиш

***Бугунги кунда мамлакатимизда демократик, фуқаролик жамияти ва ҳуқуқий давлатнинг мустаҳкам пойдевори қўйилди, кўп укладли, барқарор ривожланаётган бозор иқтисоди асослари шаклланди.***

Мамлакат ҳаётининг барча жабҳаларида, шаҳарларимиз, қўрғонларимиз ва қишлоқларимиз, ишлаб чиқариш ва иқтисодиётнинг йирик тармоқларида катта ижобий ўзгаришлар рўй бермоқда.

Яқинда матбуотда чоп этилган Ўзбекистон Республикасини 2006 йилнинг 9 ойида ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари тўғрисидаги ҳисоботини ўқиб, бунга яна бир карра амин бўлдик.

Юртбошимиз томонидан белгиланган устувор йўналишларда иқтисодиётни ислоҳ қилиш бўйича белгиланаётган чоралар, тармоқлар ҳамда иқтисодиёт соҳаларини ривожлантиришнинг муҳим мақсадли дастурлари амалга оширилиши тадбиркорлик ва инвестиция тизимига ижобий таъсир кўрсатди.

Жорий йилнинг ўтган тўққиз ойи давомида ислоҳотларнинг устувор йўналишлари бўйича кўзда тутилган макроиқтисодий ва молиявий кўрсаткичлар ортиғи билан бажарилишига эришилди.

Масалан, ялпи ички маҳсулот ишлаб чиқариш 107,3 фоизга бажарилди. Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш 120,9, аҳолига пуллик хизмат кўрсатиш 116,4 фоизга ўсди. Бошқа соҳалар бўйича ҳам макроиқтисодий параметрларнинг жадал ривожланиши кўзга ташланди.

(Давоми 2-бетда)




| УзРТСБ Биржевые котировки сум/кг | БЕНЗИН (80) | БЕНЗИН (91) | ДИЗ.ТОПЛИВО | МАЗУТ | СЖ.ГАЗ | МАСЛО ХЛОПК. | САХАР | КОМ.КОРМ |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | 750,7 ▲ +1,0 | 843,7 ▲ +43,7 | 592,5 ▼ -1,2 | 117,5 ▼ -3,5 | 622,9 ▲ +60,7 | 938,4 ▲ +21,5 | 928,4 ▼ -43,7 | 121,8 ▼ -10,9 |

